

Термиз туманида икки нафар ёшларга янги уй-жойлар топширилди



Президентимиз ташаббуси билан юртимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олиниб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича мутлақо янги тизим жорий қилинди. Жумладан, “Мехр дафтари” платформаси ишга туширилиши етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларга кўмак кўрсатиш ишларини манзилли йўналтиришга имкон бермоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисда»ги қарори қабул қилинган бўлиб, Термиз туманида ҳам ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида вояга етган, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни уй-жой билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугун вилоят ҳокимлиги, Миллий гвардия вилоят бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида Термиз туманида истиқомат қилувчи, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган Улуғбек Мусоқулов ва Умида Убадуллаевага “Янгиер” маҳалласида янгидан қурилган, барча замонавий шарт-шароит ҳамда зарурий майший техникалар билан жиҳозланган хонадон калитлари тантанали топширилди.

Тадбирда иштирок этган нуронийлар янги хонадон соҳибларига қутлуғ келиб, ушбу уйларда баҳтли ҳаёт кечиришларини тилаб дуода бўлишди.